

27.03.2024

Мавзу:

**“Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти  
фаолиятининг 2023 йилдаги асосий натижалари ҳамда халқаро  
молия институтларидан молиявий маблағларни жалб этиш  
бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида**

Ассалому алайкум, ҳурматли матбуот анжумани иштирокчилари,  
оммавий ахборот воситалари вакиллари.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда зарур агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, аграр секторда қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган талабни қондириш, қишлоқ хўжалигини замонавий ва ресурстежамкор техникалар билан таъминлашда лизинг хизматлари энг мақбул ечим сифатида ўзининг жозибадорлигини кўрсатмоқда.

**“Ўзагролизинг” АЖ** ташкил этилганидан буён ўтган **24** йил давомида жамиятимиз томонидан қарийб **90** мингдан зиёд **6** трлн сўмдан ортиқ қишлоқ хўжалиги техникалари лизинг асосида етказиб берилган бўлиб, аграр соҳани замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш орқали механизация даражасини оширишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Хусусан, Жамиятимизнинг 2023 йилдаги фаолияти натижаларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, ўтган йил давомида жами **414,5 млрд. сўмлик 1 500 дан зиёд** техникалар лизингга етказиб берилди.

Жумладан:

- **116 млрд. сўмлик 39 дона** пахта териш машиналари;
- **174.3 млрд. сўмлик 90 дона** ғалла ўриш комбайнлари;
- **70.8 млрд. сўмлик 151 дона** тракторлар;
- **53.4 млрд. сўмлик 1 225 дона** бошқа техника ва агрегатлар.

**2023 йил** давомида барча манбалар ҳисобидан ундирилган лизинг тўловлари **577,4 млрд. сўмни** ташкил этди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтишим лозимки, охириги йиллар давомида фаолиятимизни молиявий манбалар кескин чекланган шароитда, юқори ставкадаги, қисқа муддатга ажратилган банк кредитларидан фойдаланган ҳолда амалга оширишга мажбур бўлдик.

Лекин жамоамиз қўл қовуштириб ўтиргани йўқ, тинимсиз ҳаракат қилиб, хорижий молия институтларидан жамият фаолиятига **тўғридан-тўғри, узоқ муддатли ва паст фоизли** кредитларни жалб этиш, **молиялаштиришнинг муқобил манбаларини** излаб топиш ва ишга тушириш бўйича тизимли иш ташкил этиб, машаққатли жараёни муваффақиятли яқунлашга эришдик.

Мухтарам Президентимизнинг 2023 йил 20 июнь кунги “Ўзагролизинг” АЖ фаолиятини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-198-сон қарори билан:

- Жамият Устав капиталини **25 млн. доллар** эквиваленти миқдорда ошириш;

- жамият фаолиятини диверсификациялаш учун **халқаро молия институтларининг йилига 100 млн АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда паст фоизли ва узоқ муддатли маблағларини тўғридан-тўғри** жалб этиш белгиланди.

- шунингдек, “Ўзагролизинг” АЖ томонидан Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ажратилаётган имтиёзли қарз маблағларидан воз кечиб, имтиёзли шартларда чет элдан маблағлар жалб этиш ташаббуси қилинди.

**Бу борада** Мухтарам Президентимиз томонидан жамият фаолиятини трансформация қилиш юзасидан берилган топшириқлар ижроси “Ўзагролизинг” АЖ томонидан тўлиқ таъминланди.

- **Жумладан:**

- хорижий молия бозорлари ва биржаларида кўп йиллик тажрибага эга бўлган халқаро консалтинг компаниялари ва юқори малакали хорижий экспертлар жалб этилди;

- молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (IFRS) асосида жамиятнинг охириги 4 йиллик фаолияти яқунлари бўйича халқаро аудит компанияларининг **ижобий** хулосаси олинди;

- бозор тамойиллари асосида Жамиятнинг **12 та йўналиш бўйича** иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил этилиб, **88 фоиз** кўрсаткич ёки “**AA+**” **юқори рейтинг** кўрсаткичи олинди.

- Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, Жаҳон банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари билан музокаралар ўтказилиб, Due diligence жараёнларидан муваффақиятли ўтдик.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда зарур агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, аграр секторда қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган талабни замонавий ва ресурстежамкор техникалар билан қондириш мақсадида 2024 йилнинг 20 куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги техникаларининг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” **ПҚ-78-сонли** қарори имзоланди.

Мазкур қарорга мувофиқ, “Ўзагролизинг” АЖга Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан **100 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилиши** ва;

“Ўзагролизинг” АЖ га жорий йилда лизинг олувчиларга **10 500 дона** ёки ўтган йилга нисбатан қарийб **7 баробар** кўп техникалар етказиб бериш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари асосида Сайхунобод тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ҳокимликлар билан ҳамкорликда Якка тартибдаги тадбиркор шаклидаги **“Томорқа хизматлари”**га 1 тадан мини-тракторларни етти йилда тўлаш шарти билан лизинг асосида етказиб бериш, шу орқали аҳолининг ҳовлиларига, томорқа ерларига ишлов бериш тизими йўлга қўйилмоқда.

Жамиятимиз томонидан ҳалқаро кредит линияларини ишга тушириш бўйича юқорида санаб ўтилган жараёнларни муваффақиятли амалга оширилиши натижасида,

жорий йилнинг феврал ойида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Ўзагролизинг” АЖ ўртасида уч томонлама қайта кредитлаш битими имзоланди ва **30 млн. долларлик Жаҳон банки кредит линияси очилди.**

Бугунги кун ҳолатига ушбу кредит линияси ҳисобидан дастлабки **124 дона юқори унумли техникаларни молиялаштиришга рухсат берилиб, 102,2 млрд.сўмлик маблағлар техника ишлаб чиқарувчиларга тўлаб берилди.**

Лизинг лойиҳаларини молиялаштириш манбаларининг учинчи йўналиши сифатида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги билан олиб борилаётган музокараларимиз **Қайта кредитлаш битими лойиҳасини келишиш** этапида турибди ва тез орада ўз амалий натижасини бериши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ушбу масъулиятли вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ таъминлаш мақсадида “Ўзагролизинг” АЖ ҳудудий филиалларида фермер ва кластерларга маҳаллий **техникаларни намойиш этиш** ва яратилган **имкониятларни тарғиб қилиш** бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳудудий ҳокимликлар билан бирга кўргазмали семинар ўтказиш, техникаларни намойиш этиш учун **25 март** ҳолатига жами **1 300** га яқин қишлоқ хўжалиги техникалари ҳудудларга олиб борилиб, республиканинг **барча ҳудудларида кўргазмали семинарлар ўтказилди.**

Натижада, йил бошидан буён имтиёзли лизинг шартлари асосида 1000 дан ортиқ **техникалар фермер хўжалиги ва кластерларга етказиб берилди.**

Лизингга берилган қишлоқ хўжалиги техникаларига ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида республиканинг барча ҳудудларида сервис марказлари ташкил этилмоқда.

Фақат қишлоқ хўжалиги техникалари билан шуғулланиб қолмасдан, лизинг фаолиятини диверсификациялаш орқали “тайёр ҳолда топшириш” режимида чорвачилик, иссиқхона хўжалиги йўналишларида тайёр комплексларни лизингга бериш фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Шу ўринда республикамиз фермерлари, кластерлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларига мурожаат қилиб айтмоқчиман:

Республика қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда ва бунда лизинг ва ёки банк кредити асосида харид қилинган қишлоқ хўжалиги техникаларига давлат томонидан имтиёзлар берилиши кўзда тутилган. Хусусан:

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган барча турдаги тракторларга, трактор тиркамалари, ярим тиркамаси ва осма техникаларни сотиб олинган қишлоқ хўжалиги корхоналарга лизинг ёки кредит фоизи харажатларининг 10 фоиз пунктдан ортиқ қисмига субсидия ажратилиши;

ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникаси маҳаллийлаштириш даражаси 25 фоиздан кам бўлмаганда, техника қийматининг 15 фоизи миқдорида субсидия қўлланиши белгиланган.

Муҳтарам Президентимизнинг 2021 йил 11 ноябрдаги ПҚ-7-сон қарори билан эса мазкур икки субсидиядан бир вақтнинг ўзида фойдаланишга рухсат берилган.

Ҳозирги кунда республикамызда ишлаб чиқарилган ва зарур сертификатга эга бўлган ҳар қандай қишлоқ хўжалиги техникасини 10 йилгача муддатга, лизинг маржаси 19 фоиздан ошмаган ҳолда лизинг асосида етказиб бериш имкониятимиз бор.

Республикамызнинг барча ҳудудларида филиалларимиз бор, техника лизингга олиш бўйича мурожаатларингиз 3 кун ичида кўриб чиқилиб, техникалар қисқа муддатларда етказиб берилади.

Ҳурматли матбуот анжумани иштирокчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари!

Фаолиятимиз юзасидан қисқача маълумотлар шулардан иборат. Сизларни қизиқтирган саволларга жавоб беришга ва таклифларингизни тинглашга тайёرمىз.

**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!**